



2020 йил 9 июн

641-Қ - sonli

Ishtixon sh.

Самарқан шаҳар «Конимех» кўчаси 39 уйда яшовчи фуқаро Эргашева Дилнора Бахтиёровнага “Ёшлар меҳнат гузари ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сақлаш ҳамда қайта ишлаш цехи” қуриш учун 0,2 гектар ер майдони ажратиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 27 июндаги “Ёшлар-келажагимиз” дастури тўғрисидаги ПФ-5466-сонли “Ёшлар келажагимиз” Давлат дастури тўғрисидаги фармони, Ўзбекистон Республикаси «Ер кодекси»нинг 6-20-моддалари, ва Самарқан шаҳар «Конимех» кўчаси 39 уйда яшовчи фуқаро Эргашева Дилнора Бахтиёровнанинг туман ҳокими номига “Ёшлар меҳнат гузари ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сақлаш ҳамда қайта ишлаш цехи” қуриш учун ер ажратиш беришни сураб ёзган аризасини ҳамда туман ҳокимлиги ҳузуридаги Ер участкаларини бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссия аъзоларининг 2020 йилдаги далолатномасини кўриб чиқиб

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Туман ҳокимлиги ҳузуридаги Ер участкаларини бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқиш буйича комиссиясининг далолатномаси тасдиқлансин.

2. Самарқан шаҳар «Конимех» кўчаси 39 уйда яшовчи фуқаро Эргашева Дилнора Бахтиёровнага “Ёшлар меҳнат гузари ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сақлаш ҳамда қайта ишлаш цехи” қурилиши учун “Қўрлисой мададкори” агрофирма ҳудудидаги туман ҳокимлиги захира ер майдонлари ҳисобида бўлган 2-рақамли контурдаги 0,2 гектар ер майдони доимий фойдаланиш ҳуқуқи билан ажратилсин.

3. Фуқара Эргашева Дилнора Бахтиёровнага қуйидаги вазифалар юклатилсин:

- “Ёшлар меҳнат гузари ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сақлаш ҳамда қайта ишлаш цехи” қурилиши учун АРТ ва лойиҳа ҳужжатларини тайёрлаб вилоят Архитектура ва қурилиш бошқармаси билан келишиш;

-лоийҳани экспертизадан ўтказиш ва Давлат архитектура ва қурилиш назорати инспекциясидан рұхсатнома олиш;

-Самарқанд вилоят экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бошқармасидан ҳулоса олиш;

-“Ёшлар меҳнат гузари ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сақлаш ҳамда қайта ишлаш цехи” қурилиши белгиланган Шаҳарсозлик талаблари асосида келишилган АРТ ва лойиҳа смета ҳужжатлари асосида қуриш вазифалари юклатилсин.

4. Туман Ер ресурслари ва давлат кадастри бўлими бошлиғи (М.Примов)га ўзидаги тегишли ҳужжатларга ўзгартириш киритиш ва Самарқанд вилояти ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри Давлат корхонаси Иштихон тумани филиали бошлиғи (Х.Астанов)га ажратилган ер майдонини давлат рўйхатидан ўтказиш вазифалари топширилсин.

5. Қурилиш ишларини лойиҳа асосида бажарилишини назорат қилиш туман бош архитектору (А.Мурадов)га топширилсин.

7. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг ўринбосари (У.Исломов) зиммасига юклатилсин.

Туман ҳокими:



Ш.Негматов